

## **Мавзу:**

Давлат ер кадастри, унинг таркибий қисмлари ва ерлардан фойдаланишни ташкил этишда ер кадастри маълумотларидан фойдаланиш.

## **Режа:**

- 1.Кадастр тўғрисида тушунчалар.
- 2.Ер кадастри тўғрисида тушунча.
- 3.Ер кадастрининг турлари ва таркибий қисмлари.
- 4.Ер кадастри маълумотларидан фойдаланиш.

## **Кадастр тұғрисида тушунчалар.**

|“Кадастр” сүзи , французча сўз бўлиб , у маълум бир объект бўйича даврий ёки узлуксиз кузатув ва назорат қилиш йўли билан олинган маълум отларни нг музассамлашган йиғиндисини билдиради .

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси” нинг 15-моддасига биноан

“Давлат ер кадастри ерларидан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишни ташкил этиш, ер муносабатларини, ер тузишни тартибга солиш, ер учун тўланадиган ҳақ микдорини асослаш, хўжалик фаолиятига баҳо бериш мақсадида халқ депутатлари Кенгашларини, манфаатдор корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқароларни ер тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлашга мўлжаллангандир. Давлат ер кадастри ерларининг хуқуқий тартиби, уларни эгалик қилувчиларга, фойдаланувчиларга, ер тоифаларига қараб тақсимлаш тўғрисидаги ерларнинг сифат тавсифи ва халқ хўжалик қиймати тўғрисидаги зарур маълумотлар ва хужжатлар тизимидан иборат”.

Давлат ер кадастрини юритиш топография-геодезия, картография, тупрок, геоботаника ва бошқа текширувлари ҳамда изланишлари, ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланувчиларни рўйхатга олиш, ерларни ҳисобга олиш ва уларга баҳо бериш билан таъминланади.

Ер кадастри қўйидаги таркибий қисмларни ўз ичига олади: ер-мулкларни, ер эгалиги ва ердан фойдаланувчиларни рўйхат қилиш; ер майдонларини микдор ҳамда сифат жиҳатидан ҳисобга олиш; тупроқ бонитировкаси ва ерларни иқтисодий жиҳатдан баҳолаш.

Ер-мулкларини, ер эгалиги ва ердан фойдаланишларни рўйхат қилиш – ер кадастрининг биринчи таркибий қисми бўлиб, у ер майдонларини ҳуқуқий жиҳатдан хўжалик ҳолатини таъминлайди. Бу тартиб ер-мулклари, ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчиларнинг чегаралари бўйича ерларни маълум субъектларга қонуний бириктириб қўйиш ва қонуний расмийлаштириш, ер мулкдарларига ер эгалари ва ердан фойдаланувсиларга ерларга мулкчилик, эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқини берувчи Давлат ҳужжатларини топшириш, юқоридаги субъектларни туман (шаҳар) Давлат ер кадастри китобига қайд қилишни ўз ичига олади.

Ер майдонларининг ҳисоби ер майдонларининг микдори ва сифати ҳақидаги тула маълумотларни олиш, қайта ишлаш, маълум бир тизимга (тартибга) келтириш ҳамда сақлаш бўйича мажмуали тадбир ҳисобланади. Ер майдонларини микдор жиҳатдан ҳисоб-китоб қилиш уларнинг маълум маъмурий-худудий бирликларга, ер тоифаларга, ер-мулклари, ер эгаликлари, ердан фойдаланувчиларга ва ер турлари бўйича тақсимланиши ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади. Ерларни сифат жиҳатидан ҳисоб қилишнинг вазифаси тупрок қатлами ҳамда ер-мулклиги, ер эгалиги ва ердан фойдаланишлар нуқтаи назардан ер турларини табиий, мелиоратив ва хўжалик ҳолатига ҳар томонлама тавсиф беришдан иборатdir.

Тупроқ бонитировкасининг асосий мақсади ерларни табиий, барқарор хусусиятлари ҳамда хўжалик шароитида, фойдаланиш жараёнида олган фазилатлари бўйича баҳолашдан иборат. Тупроқ бонитировкасининг натижалари ер майдонларини иқтисодий жиҳатдан баҳолашда ҳолисона асос бўлиб хизмат қиласди.

Ерларни иқтисодий баҳолаш – бу маҳсус иқтисодий кўрсаткичлар асосида ер майдонларини иқтисодий жиҳатдан самарадорлик хусусиятини, уларнинг иқтисодий унумдорлигини қиймат жиҳатдан ўлчашдир. Ер майдонларини иқтисодий жиҳатдан баҳолашда ердан фойдаланишнинг табиий (тупроқ бонитети баллари орқали), иқлимий (самарали ҳарорат йиғиндиси, ёғингарчилик миқдори ва бошқа), хўжалик (ишлаб чиқаришнинг жадаллашганлик даражаси) ва технологик (контурлилик, майдонлар шакли, ишчи қияликлар ва бошк.,) шароитлари бутун бир мажмуа тарзда ҳисобга олинади.

**Давлат кадастрлари ягона тизими  
(ДКЯТ) – давлат кадастрларининг  
барча турларини бирлаштирувчи кўп  
мақсадли ахборот тизимиdir.**

# **Давлат кадастрлари ягона тизими (ДКЯТ)**



- 1. Давлат ер кадастри;**
- 2. Конлар, фойдали қазилмалар ва техноген ҳосилаларнинг юзага чиқиш ҳоллари давлат кадастри;**
- 3. Давлат сув кадастри;**
- 4. Давлат ўрмон кадастри;**
- 5. Ўсимлик дунёси давлат кадастри;**
- 6. Ҳайвонот дунёси давлат кадастри;**
- 7. Қўриқланадиган табиий ҳудудлар давлат кадастри;**
- 8. Бинолар иншоотлар давлат кадастри;**
- 9. Давлат шаҳарсозлик кадастри;**
- 10. Гидротехника иншоотлари давлат кадастри;**
- 11. Маданий мерос объектлари давлат кадастри;**
- 12. Автомобил йўллари давлат кадастри;**

- 
- 13.Темир йўллар давлат кадастри;**
  - 14.Етказиб бериш қувурлари давлат кадастри;**
  - 15.Алоқа объектлари давлат кадастри;**
  - 16.Энергетика объектлари давлат кадастри;**
  - 17.Чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари давлат кадастри;**
  - 18табиий хавф юқори бўлган зоналар давлат кадастри;**
  - 19.Техноген хавф юқори бўлган зоналар давлат кадастри;**
  - 20.Картография – геодезия давлат кадастри;**
  - 21.Давлат кадастрлари ягона тизимига қонун томонидан белгиланган давлат бошқа кадастрлари ҳам кириши мумкин.**

Давлат кадастрлари ягона тизими Ўзбекистон Республикаси ва унинг алоҳида ҳудудларининг табиий-иктисодий салоҳиятини ягона умумдавлат жиҳатдан комплекс ҳисобга олишни ва баҳолашни таъминлаш мақсадида яратилади ва юритилади.

Давлат кадастрлари ягона тизимини юритиш Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси (“Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси) томонидан амалга оширилади.

Давлат кадастрлари ягона тизими(ДКЯТ) давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини, юридик ва жисмоний шахсларни уларнинг фаолияти учун зарур бўлган барча турдаги давлат кадастрлари ахборотлари билан тезкор таъминлаш учун мўлжалланган.

# **Д К Я Т ни юритишнинг асосий принциплари.**

Ҳар бир кадастр объектлари тури  
бўйича Ўзбекистон Республикасининг  
барча ҳудудларини тўлиқ қамраб олиш

Макон координаталарининг ягона  
тизимини қўллаш

Кадастр ахборотларини  
шакллантириш методологиясининг  
ягоналиги

Кадастр ахборотларининг  
ишончлилиги

Кадастр ахборотларининг очиқлиги

## Давлат ер кадастри тўғрисида тушунча.

Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси" нинг 15 -моддасига ҳамда "Давлат ер кадастри тўғрисида " ги конуннинг З –моддасига биноан " Давлат ер кадастри Давлат кадастрларининг ягона тизимининг асосий таркибий қисми ҳисобланиб , у ерларнинг табиий , хўжалик , ҳуқуқий режими ,тоифалари , сифат хусусиятлари ва қиммати , ер участкаларининг ўрни ва ўлчамлари , уларнинг ердан фойдаланувчилар , ижарачилар ва мулқдорлар ўртасидаги тақсимоти тўғрисидаги маълумотлар ҳамда ҳуж жатлар тизимидан иборат .

Давлат ер кадастри ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказишни амалга ошириш билан бир қаторда миқдори ва сифатини ҳисобга олишини , тупроқ бонитировкасини , ерларнинг қиймат баҳосини , шунингдек ер кадастрига доир ахборотларни бир тизимга солиниши , сақланиши ва янгилаб туришни ўз ичига олади.

**Давлат ер кадастри - ер муносабатларини тартибга солиш, ердан оқилона фойдаланиш ва уни мухофаза қилиш, ер тузишни ташкил этиш, ер учун тўланадиган ҳақ миқдорларини асослаш, хўжалик фаолиятига баҳо бериш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларни ер тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлашга мўлжаллангандир.**

Давлат ер кадастрини юритишининг асосий принциплари.



Мамлакатнинг бутун ҳудудини тўла  
қамраб олиш

Фазовий координаталарнинг ягона  
тизимини қўллаш

Ер кадастрига доир ахборотлар ишлаб  
чикиш услубиётининг бирлиги

Ер кадастрига доир ахборотларнинг  
тўғри бўлиши

## Давлат ер кадастрини юритиш

Давлат ер кадастрини юритиш қўйидагилар билан таъминланади:

Аэрокосмик суратга олишларни, топография-геодезия, картография, тупроқшунослик, агрохимия, геоботаникага оид ва бошқа изланишлар ва тадқиқотларни ўтказиш, ерларни миқдор ва сифат жиҳатдан ҳисобга олиш ва баҳолаш, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган хуқуқларини давлат рўйхатига олиш.

Давлат ер кадастрини юритиш Ўзбекистон  
Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография  
ва давлат кадастри давлат қўмитасининг  
туман(шаҳар) ер ресурслари ва давлат кадастри  
бўлимлари томонидан амалга оширилади.

Давлат ер кадастрининг маълумотлари ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза килишда, ер участка ларини бериш (реализация килиш) ва уларни кайтариб олишда, ер учун тўланадиган ҳак микдорини белгилашда, ер тузиш ишларини ўтказишида, хўжалик фаолиятига баҳо беришда хамда ердан фойдаланиш ва уларни муҳофаза килиш юзасидан бошқа тадбирларни амалга оширишда мажбурий тартибда тадбик этилади. Давлат ер кадастри республика учун ягона тизим асосида давлат бюджети маблаглари хисобидан давлат кадастри ва ер тузиш хизматлари органлари томонидан юритилади.